

Муттафақун алайх.

Фойда: Демак, ўз эридан бошқа шахс вафот этса, аёлларга фақат уч кун азоматам қилишга рухсат берилмоқда. Лекин ундан зиёдаси ман этилган. Аммо ўз эри вафот этган хотинлар тўрт ой ўн кун идда ўтиришади.

Идда - эри ўлган аёлнинг бошқа эрга тегиши мумкин бўлмаган муддат. Идданинг ҳикматларидан бири ҳомила бор-йўқлигини билиб, наслнинг ўз эгасини аниқлашдир. Ҳамда ислом шариати эрнинг аёл устидаги ҳаққи хаттоки вафотидан кейин ҳам борлигини эътироф этишдир. Ҳа, Ислом насл мусаффолигини мана шундай таъминлайди.

* Халуқ суфра - сариқ рангли хушбўйлик тури.

Манба: hadis.islom.uz

